

УЎК: 338:6.01(575.1)



<https://dx.doi.org/10.36522/2181-9637-2019-5-1>

МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРИКНИ ТАЪМИНЛАШ – КОРХОНА ҚИЙМАТИНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ

Эшов Мансур Пўлатович

иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит»
факультети декани, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети

Аннотация. Корхоналар миллий иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисми бўлганилиги боис уларнинг қийматини ошириши мамлакатни барқарор ривожлантириши учун асосий омиллардан саналади. Жаҳон амалиётида корхона қийматини оширишига таъсир этувчи омилларга нисбатан ягона ёндашув мавжуд эмас. Корхона қийматини оширишининг энг муҳим омилларидан бири корхонанинг молиявий ресурсларидан самарали фойдаланиш орқали унинг молиявий барқарорлигини таъминлашидир. Шу сабабли корхона қийматини оширишида унинг молиявий барқарорлигини тавсифлайдиган кўрсаткичлар тизимини шакллантириши, таҳжил қилиши ва молиявий барқарорликни таъминлаши чораларини кўриши муҳим аҳамиятга эга. Дунё амалиётида корхоналарнинг молиявий барқарорлигини баҳолаши кўрсаткичлари бир тизимга келтирилмаган ва турли мамлакатларда ушибу кўрсаткичлар бир-биридан фарқ қиласади. Молиявий барқарорликни баҳолашда корхоналарнинг хусусиятлари инобатга олинади. Бу эса, ўз навбатида, корхоналарнинг молиявий барқарорлигини тўлиқ баҳолашда бир қатор қийинчиликлар тутдиради. Мақолада корхоналар қийматини баҳолаш ва уни бошқаршишининг илмий-назарий жиҳатлари тадқиқ этилган. Шунингдек, корхоналар молиявий барқарорлигининг улар қийматига таъсири баҳоланган ва таҳжил қилинган. Корхоналар молиявий барқарорлигини таъминлаши юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

Таянч тушунчалар: корхона қиймати, молиявий барқарорлик, ликвидилик, активлар, капитал, ўз маблаглари, қарз маблаглари, тул маблаглари, прогноз.

ОБЕСПЕЧЕНИЕ ФИНАНСОВОЙ СТАБИЛЬНОСТИ – ОСНОВНОЙ ФАКТОР ПОВЫШЕНИЯ СТОИМОСТИ ПРЕДПРИЯТИЯ

Эшов Мансур Пўлатович

кандидат экономических наук, доцент, декан факультета «Бухгалтерский учёт и аудит»,
Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. Поскольку предприятия являются важной составляющей национальной экономики, повышение их стоимости является одним из основных факторов для устойчивого развития страны. В мировой практике нет единого подхода к факторам, влияющим на повышение стоимости предприятия. Одним из важнейших факторов повышения стоимости предприятия является обеспечение его финансовой устойчивости за счет эффективного использования финансовых ресурсов предприятия. Поэтому при повышении стоимости предприятия важно сформировать систему показателей, характеризующих его финансовую стабильность, проанализировать и принять меры по обеспечению финансовой устойчивости. В мировой практике показатели оценки финансовой устойчивости предприятий не приведены в единую систему, и в разных странах эти показатели отличаются друг от друга. При оценке финансовой устойчивости учитываются характеристики предприятий. Это, в свою очередь, создает трудности в полной оценке финансовой устойчивости предприятий. В статье исследованы научно-теоретические аспекты оценки стоимости и управления предприятиями. Также было оценено и проанализировано влияние финансовой устойчивости предприятий на их стоимость. Разработаны предложения по обеспечению финансовой устойчивости предприятий.

Ключевые слова: стоимость предприятия, финансовая стабильность, ликвидность, активы, капитал, собственные средства, заемные средства, денежные средства, прогноз.

FINANCIAL SUSTAINABILITY AS THE MAIN FACTOR TO INCREASE THE COST OF AN ENTERPRISE

Eshov Mansur Pulatovich

PhD in Economic Sciences, Associate Professor, Dean of the Faculty for Accounting and Auditing, Tashkent State University of Economics

Annotation. *The increase of an enterprise cost is considered as one of the main factors for sustainable development of the economy, since it is the important constituents of the national economy. The world practice has no a single approach to the factors affecting the increase in enterprise value. One of the significant factors to increase the value of an enterprise is ensuring its financial sustainability through the efficient use of the financial resources of an enterprise. Therefore, it is important to form a system of indicators characterizing the financial stability of an enterprise, analyze and take measures to ensure its financial stability. Indicators for financial sustainability of enterprises have not yet been integrated in a single system globally, and in different countries these indicators differ from each other. Companies' profiles are taken into account when assessing the financial sustainability. This, in turn, creates difficulties in the full assessment of the financial sustainability of the companies. The article explores the scientific and theoretical aspects of cost estimation and enterprise management, and the effect of financial sustainability of companies on their cost. Relevant proposals for financial sustainability of enterprises have been developed.*

Key words: enterprise cost, financial sustainability, liquidity, assets, capital, own funds, loan funds, monetary funds, forecast.

Кириш

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, сўнгги йилларда корхоналар бошқарувига замонавий менежмент йўналишларидан бири – қийматни бошқариш концепцияси кетма-кет жорий қилинмоқда. Ушбу концепция негизида корхона эгалари (акциядорлари) учун энг асосий вазифа – корхона ресурсларидан самарали фойдаланиб, молиявий натижаларининг юқори бўлишини таъминлашдир.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, мулк эгалари фаровонлигининг ўсиши корхонага қўшимча киритилган қувватлар ҳажми, ёлланган ходимлар сони ёки компания айланма маблағлари билан эмас, балки улар эгалик қилаётган корхона қиймати билан ўлчанади. Шу билан бир вақтда, хорижий давлатларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқизоризидан кейинги даврда корхоналарда бозор қийматини бошқаришдан унинг фундаментал қийматини баҳолаш ва бошқариш усулига ўтиш кузатилмоқда.

Шу нутқати назардан қарагандা, мамлакатимиз корхоналари қиймати ўсишини таъминлашда уларнинг инновацион ривожланишига инвестициялар жалб этишнинг ички (фундаментал) омилларига эътибор қаратиш самарали йўл ҳисобланади.

Ўзбекистонда ўтган йилларда йирик инвестицион лойиҳаларнинг амалга оширилиши туфайли янги ишлаб чиқариш обьектлари ва қувватлари ишга туширилди, саноат соҳалари ва корхоналарини модернизациялаш ҳамда технологик қайта жиҳозланиш жараёнининг янада чуқурлашувига ёрдам берди. Буларнинг барчаси корхоналар қийматининг ўсишига катта таъсир кўрсатди.

Шу билан бир вақтда, Ўзбекистон Республикасининг 2017–2021 йилларда ривожланишининг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида [1] энг муҳим вазифалар қаторида хусусий мулчиллик ҳуқуқларини ҳимоялаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳотларни давом эттириш, хусусан, корхоналар ривожланиши истиқболларини уларнинг ишлаб чиқариш салоҳияти ва қийматини оширишга таъсир кўрсатувчи самарали стратегик бошқарув тизимига ўтиш белгилаб берилган. Ушбу устувор вазифаларни ўз вақтида бажариш, корхона қийматига молиявий ҳолат кўрсаткичларининг таъсирини ўрганиш, хусусан, корхона молиявий барқарорлигини таъминлаш унинг

қийматидаги ҳиссасини баҳолаш ва бошқариш мұхим ақамияттаға әга.

Адабиётлар таҳлили

Корхона қийматини баҳолаш вабошқариш масалалари күплаб иқтисодчи олимларнинг илмий ишланма ва тадқиқотларида мұхим үрин әгаллады.

Бозор қиймати ва уни корхоналарда бошқариш асосчиларидан бири Альфред Маршалл қайд этганидек: «... жорий ставка бүйича капиталга фоиз чиқарып ташланғандан кейин унинг (мулкдор ёки бошқарувчи) фойдасидан қоладиган нарсани унинг тадбиркорлик ёки бошқарув фойдаси деб атап мүмкін» [2]. А. Маршаллнинг фикри шунинг исботи ҳисобланады, қолдик даромад ёки иқтисодий фойда деб аталаған фойда түшунчаси бухгалтерия ҳисобида соғ даромад сифатида үлчанадиган бугунги даромад түшунчасидан тубдан фарқ қиласы.

ХХ асрнинг 30-йилларида Ирвинг Фишер, Нобель мукофоти совриндорлари Франко Модильяни ва Мертон Миллер 50-йиллар охирлари ва 60-йиллар бошларидан корхона қийматини бошқариш назариясига улкан ҳисса құшишган. Хусусан, И. Фишер компаниянинг соғ жорий қиймати ва кутилаёттан пул даромадлари дисконтланған оқими үртасидаги боғлиқдикни тадқиқ этганды. Ф. Модильяни ва М. Миллер эса кейинчалик соғ жорий қиймати мұсбат бўлган компаниянинг инвестицион қарорлари унинг акциялари қийматининг ўсишида асосий, ҳал қилувчи омил ҳисобланишини кўрсатган [3].

П. Друкернинг фикрига кўра, бизнес капитал қийматидан ортиқ бўлган фойда келтирмагунга қадар зиён кўриб ишлайди. Шу билан бирга, бизнес гўёки ҳақиқатда фойда олгандаи солиқлар тўлайди. Аслида эса корхона иқтисодиётга ундан ресурслар кўринишида олган миқдордан анча кам қайтаради, яъни капитал жалб қилиш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олмасдан компания қиймат яратади олмайди [4].

Россиялик олимлар В.Г. Когденко ва М.В. Мельникнинг хulosасига кўра, компания қийматини бошқариш (унинг ўзи – қийматга йўналтирилган менежмент) бу – қиймати яратиш нуқтаи назаридан самарали бўлган компаниянинг бозор, операцион, молиявий

ва инвестицион фаолиятини бошқаришга йўналтирилган, қарорлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан боғлиқ амалий фаолият соҳаси ва фандир. Компания нуқтаи назаридан ушбу муаллифлар қийматга йўналтирилган менежментта қуйидагича таъриф беради – бир томондан, акциядорлар учун компания қийматини оширишга, бошқа томондан эса истеъмолчилар учун қиймат яратишга қаратилган компанияни бошқаришга комплексли ёндашув [5].

Н.А. Жеребцова корхона қийматини бошқаришни оддий методология әмас, балки компания фаолияти фалсафаси, натижаларни баҳолаш ва режалаштириш тўлақонли тизими, умумий ҳаракатларни асосий қиймат омилларига мужассам этиш ҳисобига ташкилотнинг барча даражаларида стратегик ва тезкор қарорларни сифат жиҳатидан яхшилашга қаратилган интеграция қилувчи жараён [6] сифатида таърифлайди.

Кўпчилик иқтисодчилар корхоналар қийматини унинг молиявий жиҳатларига боғлиқлигини таъкидлайдилар. Хусусан, Р. Кумарнинг тадқиқот натижаларига кўра [7], корпорация молияси унинг қийматини максимал даражада ошириш принципига қаратилган ҳамда компания қиймати унинг молиявий ҳолати, инвестицион ва дивиденд сиёсати билан бевосита боғлиқ.

Бошқа тадқиқотчилар томонидан корхона қийматини баҳолашда молиявий эҳтиёжларни ҳисобга олиш ва уни баҳолаш мұхим ақамияттаға эга эканлиги асослаб берилади ва корхона молиявий эҳтиёжларини баҳолашда қуйидаги асосий масалалар ҳал қилинади [8]:

- асосий манбани молиялаштириш – бизнес ғоя ёки лойиҳани ўрганиш, ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказиш учун инвестицияларни қўллаб-қувватлашдан иборат;

- бошлангич молиялаштириш – молиявий эҳтиёжларни баҳолашдан иборат. Зарур бўлган ресурслар аввалдан бошланган лойиҳани аниқлаш ва ишлаб чиқиш учун мўлжалланган;

- кутилаётган ўсишни молиялаштириш – бу дастлабки тадқиқотларни ташкиллаштириш учун ишга тушириш пайтини англатади;

- ривожланишини молиялаштириш – молиявий ресурслар корпоратив ўсишни қўллаб-

құвватлайди. Тадбиркорлик ғояси, маҳсулот ва бозор синовдан үтган; натижада молиявий ресурслар тижорат ва маркетинг фаолиятини құллаб-құвватлайди.

- үзгартериш – корпоратив молиявий битимларни ишлаб чиқиш жараёнида маблағларни назорат қилиш;

- сұнгги молиялаштириш – бошлангич молиялаштиришга үхшаб бизнесни қайта тиклаш бўйича қарорда молиявий эҳтиёжларни баҳолаш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар тадқиқотларига кўра, корхона қиймати – бу маълум бир санага, аниқ бир мақсадда уни яхлит мулкий мажмua сифатида, келгусида келтириш мумкин бўлган барча даромадлари ва уларнинг манбаларини ҳисобга олган ҳолда пулда ифодалашдир [9]. Шунингдек, муаллифлар томонидан саноат корхоналари қийматини баҳолаш кўрсаткичлари таклиф қилинган.

Корхона қийматини бошқариш, иқтисодий тоифа сифатида, корхона қийматини ошириш мақсадида таъсир этишга асосланади. Бу мазкур корхона ривожланишига моддий ресурслар киритадиган юридик шахслар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатларига жавоб беради. Шундай қилиб, корхона қийматини баҳолаш бошқарув қарорлари уни ошириш мақсадларига йўналтирилган асосий бошқарув обьекти сифатида намоён бўлади. Бошқа томондан, корхона қийматини баҳолаш қабул қилинаётган бошқарув қарорлари характеристерини асослаб беради [10].

Юқоридаги тадқиқот натижалари таҳдиларидан келиб чиқиб, муаллиф фикрига кўра, корхона қийматини бошқариш – корхона қийматини максималлаштириш жараёнига йўналтирилган фаолиятдир. Шунингдек, корхона қийматини баҳолашга оид қуйидаги хуносаларга келиш мумкин:

- биринчидан, корхонани бошқаришга қиймат ёндашуви барча даражаларда (директорлар кенгashiдан тортиб менежерларгача) қийматни бошқаришни кўзда тутади;

- иккинчидан, қийматни максималлаштириш бу – бир марталик вазифа эмас, балки узлуксиз ва қайтадан бошланадиган стратегик ва тезкор бошқарув қарорлари циклидир;

- учинчидан, қийматни шакллантирадиган

кўрсаткичларни тушунмасдан туриб корхона қийматини самарали бошқариш мумкин эмас;

- тўртингидан, корхона қийматини оширишда унинг молиявий ҳолати, жумладан, молиявий барқарорлиги муҳим аҳамиятга эга.

Таҳдил ва натижалар

Корхона қийматини баҳолаш ва оширишда унинг ликвидилиги, тўлов лаёқати ва молиявий барқарорлигини таҳдил қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Молиявий барқарорлик – корхона даромадлари харажатларидан барқарор ортиқ эканлигидан, корхонанинг пул маблағларини эркин манёврлаш ва улардан самарали фойдаланиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш узлуксиз жараёнидан далолат берадиган тавсифномадир. Молиявий барқарорлик ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти жараёнида шаклланади ва корхона умумий барқарорлигининг асосий таркиби қисми ҳисобланади.

Бозор шароитларида баланс ликвидилигини таҳдил қилишга эҳтиёж молиявий чекловларнинг кучайиши ва корхонанинг кредит лаёқатини баҳолаш зарурати туфайли юзага келади. Баланс ликвидилиги корхона мажбуриятлари унинг пул шаклига айлантириш муддати мажбуриятларни тўлаш муддатига мос келадиган активлари билан қоплаш даражаси сифатида тавсифланади. Активлар ликвидилиги – активларни пул маблағларига айлантириш вақти бўйича баланс ликвидилигига тексари бўлган кўрсаткич. Ушбу актив тури пул шаклига эга бўлиши учун қанчалик кам вақт талаб қилинса, унинг ликвидилик даражаси шунчалик юқори бўлади.

Захиралар шакллантириш маблағлари манбалари етарлилик (ортиқчалик ёки етишмаслик) кўрсаткичи ликвидиликнинг умумлаштирувчи кўрсаткичи ҳисобланади.

Ликвидилик даражасига, яъни пул маблағларига айлантириш тезлигидан келиб чиқиб, корхона активлари қуйидаги гурӯхларга бўлинади: 1) энг ликвиди активлар – корхонанинг пул маблағлари ва қисқа муддатли молиявий қўйилмалари; жорий ҳисоб-китобларни бажариш учун зудлик билан фойдаланилиши мумкин бўлган пул маблағлари моддалари бўйича суммалар; 2) тез сотиладиган активлар – дебиторлик қарзлари ва бошқа активлар.

Корхонанинг жорий активлари унинг қисқа муддатли мажбуриятларидан ортиқ бўлса, корхона ликвидли ҳисобланади. Корхона кўпроқ ёки камроқ даражада ликвидли бўлиши мумкин. Айланма капитали, асосан, ўзининг пул маблағлари ва қисқа муддатли дебиторлик қарзларидан иборат бўлган корхона, одатда, захиралардан иборат бўлган корхонадан кўра ликвидли ҳисобланади. Ликвидлиликнинг реал даражасини текшириш учун баланс ликвидлигини таҳдил қилиш керак.

Ликвидлилик коэффициентлари нафақат корхона раҳбарияти, балки ташқи таҳдил субъектлари учун ҳам қизиқиш уйғотади: мутлақ ликвидлилик коэффициенти – хомашё ва материаллар етказиб берувчилар учун; қоплаш коэффициенти – инвесторлар учун; тез ликвидлилик коэффициенти – банклар учун.

Ликвидлилик ва молиявий барқарорлик кўрсаткичлари қуийдаги коэффициентларни ҳисоблаб чиқишига имкон беради.

1. Мутлақ ликвидлилик коэффициенти (Кмл). Мутлақ ликвидлилик коэффициенти корхонанинг қисқа муддатли мажбуриятлариниң қайси қисмини яқин вақт ичида пул маблағлари билан қоплаши мумкинлигини кўрсатади. Бу коэффициент хомашё ва материаллар етказиб берувчилар учун муҳимдир. Кўрсаткичнинг меъёрий қиймати **Кмл > 0,2**.

1-жадвалда келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, 2013–2018 йилларда мутлақ ликвидлилик коэффициенти турли қийматларга эга бўлган бўлса-да, меъёр даражасидан паст бўлиб, таҳдил даврида 0,03 дан 0,08 гача қийматда ўзгариб турган. Бу эса корхонанинг тўлов лаёқати жуда паст эканлигини кўрсатади.

2. Тезкор ликвидлилик коэффициенти захираларни чиқариб ташлаган ҳолда жорий активлар билан қайси қисмини тўлаш мумкинлигини кўрсатади.

Ушбу коэффициент корхона танг аҳволга тушиб қолиб, захираларни сотиш имкони бўлмагандан, корхонанинг қисқа муддатли мажбуриятларини тўлаш имкониятини баҳолашга ёрдам беради. Бу кўрсаткичнинг оптималь қиймати 0,8 дан 1,0 гача бўлган оралиқда тавсия қилинади.

1-жадвалда келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, «Электрқишлоққурилиш» АЖ таҳдил қилинаётган давр мобайнида коэффициент меъёрий талабдан юқори бўлган. Бунга асосий сабаб шуки, дебиторлик қарзларининг ўсиши жуда юқори. Аксинча, тезкор ликвидлилик коэффициентининг пасайиши ва унинг меъёр даражасидан тушиб кетиши яқин келажакда янги тушумлар ҳисобига ўз мажбуриятларини тўлаш имконияти пасайишини кўрсатиши мумкин.

1-жадвал

«Электрқишлоққурилиш» АЖ молиявий барқарорлик коэффициентлари динамикаси

№	Кўрсаткич	Меъёр	Йиллар					
			2013	2014	2015	2016	2017	2018
1	Мутлақ ликвидлилик коэффициенти, Кмл	min 0,2 (оптималь даража 0,2-0,7)	0,07	0,08	0,03	0,08	0,03	0,04
2	Тезкор ликвидлилик коэффициенти, Ктл	min 0,8 (оптималь даража 0,8-1)	1,21	1,52	2,02	2,89	1,48	2,29
3	Жорий ликвидлилик коэффициенти, Кжл	min 2 (оптималь даража 2-3)	1,96	2,35	3,15	4,03	3,18	3,86
4	Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари нисбати коэффициенти	max 1,0	1,16	1,43	1,90	2,72	1,41	2,16
5	Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти, Кўя	min 0,2	0,49	0,53	0,65	0,73	0,66	0,73
6	Ўз айланма маблағларининг манёврчанлик коэффициенти	0,2-0,5	0,75	0,68	0,66	0,72	0,69	0,68
7	Қарз ва ўз маблағлари нисбати коэффициенти	max 1,0	0,78	0,60	0,36	0,26	0,35	0,11

Манба: «Электрқишлоққурилиш» АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган

3. Жорий ликвидилик коэффициенти (Кжл) компаниянинг фақат айланма активлар ҳисобига жорий (қисқа муддатли) мажбуриятларни тўлаш қобилиятини кўрсатади. Коэффициент қиймати қанчалик юқори бўлса, корхонанинг тўлов лаёқати ҳам шунчалик яхши бўлади. Бу кўрсаткич барча активларни ҳам тезкор сотиш мумкин эмаслигини ҳисобга олади.

Иқтисодиёт тармоғидан келиб чиқиб, коэффициент қийматининг 1,5–2,5 бўлиши нормал ҳолат ҳисобланади. 1-жадвалда келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, «Электрқишлоққурилиш» АЖда жорий ликвидилик коэффициенти фақат 2014 йилда оптимал меъёр даражага эга бўлган. 2015–2018 йилларда капитал таркиби норационал эканлигидан далолат беради.

4. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари нисбати. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари нисбати коэффициенти кредиторлик қарзларининг 1 сўмига қанча дебиторлик қарзлари тўғри келишини кўрсатади. Тавсия қилинган минимал қиймат – 1 дан кам.

Дебиторлик қарзларининг ўсиш суръати кредиторлик қарзлари ўсиш суръати билан таққосланадиган даражада бўлиши керак. 1-жадвал маълумотларининг кўрсатишича, «Электрқишлоққурилиш» АЖ дебиторлик ва кредиторлик қарзлари нисбати 1 дан катта (1,16 дан 2,72 гача). Дебиторлик қарзларининг кредиторлик қарзларидан ортиқ эканлиги шуни англатадики, маблағларни хўжалик айланмасидан чиқариш келгусида ҳам корхонанинг жорий ишлаб чиқариш-хўжалик фоалиятини таъминлаш учун қимматбаҳо банк кредитлари ва заёмларни жалб қилиш заруратига олиб келиши мумкин. Кредиторлик қарзларининг дебиторлик қарзларидан сезиларли даражада ортиқ бўлиши ҳам корхонанинг молиявий барқарорлигига таҳдид солади.

5. Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти (Кўа). Ушбу кўрсаткич корхона молиявий барқарор бўлиши учун зарур бўлган ўз айланма маблағларининг етарлигини тавсифлайди. Ўз айланма капитали йўқлиги шундан далолат берадики, корхонанинг барча айланма маблағлари ва эҳтимол, айланмадан ташқари активларнинг бир қисми қарз манбалари ҳисобига шаклланган бўлади.

Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти 0,2 дан катта бўлиши лозим. 1-жадвалда келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, таҳлил қилинаётган даврда ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти 0,49 дан 0,73 гача ўсан. Таъкидлаш жоизки, 2016 ва 2018 йилларда ушбу кўрсаткич максимал 0,73 қийматга етган. Демак, ликвидилиги паст (айланмадан ташқари) активлар энг барқарор манбалар – ўз капитали ҳисобига молиялаштирилиши лозим. Бундан ташқари, жорий фоалиятни молиялаштириш учун ўз капиталининг маълум бир қисми қолиши керак.

6. Ўз айланма маблағларининг манёврчанлик коэффициенти. Ушбу коэффициент корхонанинг ўз айланма капитали даражасини қўллаб-қувватлаш ва айланма маблағларини зарур ҳолларда ўзининг манбалари ҳисобига тўлдириш қобилиятини кўрсатади.

Ўз айланма маблағларининг манёврчанлик коэффициенти капитал таркиби ва тармоқ ўзига хосликларига боғлиқ бўлиб, кўрсаткичнинг оптимал қиймати 0,2–0,5 доирасида тавсия этилади. Унинг ҳажми ва ўзгариш тенденциялари бўйича универсал тавсиялар бўлиши мумкин эмас.

1-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, 2013–2018 йилларда ўз айланма маблағларининг манёврчанлик коэффициенти 0,66 дан 0,75 гача бўлган доирада ўзгариб турган. Бу эса меъерий қийматдан катта. Бу корхона маблағларининг ўз манбалари ҳаракатчан эканлигини англатади.

7. Қарз ва ўз маблағларининг нисбати коэффициенти корхонанинг қарз маблағларига боғланниб қолганлигини кўрсатади.

Таҳлил қилинаётган даврда ушбу коэффициентнинг қиймати 1 дан кичик бўлган. Масалан, 2013 йил унинг қиймати 0,78 ни ташкил қилган. Лекин 2018 йил охирига келиб, корхона учун қарз ва ўз маблағлари нисбати коэффициентнинг қиймати ижобий томонга ўзгарган ва 0,11 ни кўрсатган (1-жадвал).

Таъкидлаш жоизки, коэффициент қиймати 1 га қанчалик яқин ёки ундан катта бўлса, корхона қарз маблағларига шунчалик кўпроқ боғланган бўлади.

Корхона қийматини аниқлашда барча прогноз кўрсаткичларини тўғри ҳисоблаб

чиқиши мұхим аҳамият касб этади. Юқоридаги таҳдилларга таянган ҳолда, ликвидилик ва молиявий барқарорлик күрсаткичларининг 2019–2022 йилларгача бўлган муддатдаги прогнозозларини ишлаб чиқамиз.

2019–2022 йилларда мутлақ ликвидилик коэффициенти прогнози 0,031 дан 0,007 гача пасайиш тенденциясига эга. Бундан ташқари,

таҳдил даврида ушбу күрсаткич меъёрдан паст қийматга эга бўлган.

Прогноз қилинаётган даврда тезкор ликвидилик коэффициенти барқарор ўсган, бу эса белгиланган меъёларга мос келади. 2022 йил ушбу коэффициент меъёрий даражадан кўп бўлган ҳолда 3,16 ни ташкил қиласди ва 2018 йил билан таққослаганда 0,87 га ўсади (2-жадвал).

2-жадвал

«Электрқишлоққурилиш» АЖ молиявий барқарорлик коэффициентлари прогнози

№	Күрсаткич	2018 й. (базавий йил)	Йиллар бўйича коэффициентлар прогнози			
			2019	2020	2021	2022
1	Мутлақ ликвидилик коэффициенти, Кмл	0,04	0,031	0,019	0,013	0,007
2	Тезкор ликвидилик коэффициенти, Ктл	2,29	2,53	2,84	3,00	3,16
3	Жорий ликвидилик коэффициенти, Кжл	3,86	4,32	4,94	5,25	5,55
4	Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари нисбати коэффициенти	2,16	2,38	2,68	2,82	2,97
5	Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти, Кӯа	0,73	0,79	0,87	0,91	0,95
6	Ўз айланма маблағларининг манёврчанлик коэффициенти	0,68	0,67	0,66	0,65	0,64
7	Қарз ва ўз маблағлари нисбати коэффициенти	0,11	-0,01	-0,13	-0,25	-0,37

Манба: «Электрқишлоққурилиш» АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган

Жорий ликвидилик коэффициентининг прогнозига кўра, унинг қиймати меъёрий талабларга мос келмайди. Ушбу коэффициент прогнози бўйича меъёрий талаблардан катта (2-жадвал).

Корхона қийматини аниқлашда фойдаланиладиган асосий күрсаткичлардан яна биро дебиторлик ва кредиторлик қарзлари нисбати ҳисобланади. Ушбу күрсаткич прогноз қилинаётган даврда унинг учун мавжуд бўлган меъёрдан (max 1,0) ортиқ қийматга эга. Умуман, 2019 йилдан 2022 йилгача бўлган даврда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари нисбати күрсаткичи сезиларсиз – 2,38 дан 2,97 гача ўсган.

Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти амалиётда мавжуд бўлган меъёларга мос келадиган кам сонли коэффициентлардан бири ҳисобланади. Таҳдилларга кўра, 2019 йилдан 2022 йилгача бўлган прогноз қилинадиган давр давомида

коэффициент 0,2 дан юқори қийматни ташкил қиласди. Хусусан, прогноз даврида ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти 0,79 дан 0,95 гача, яъни 0,16 га ўсади (2-жадвал).

2-жадвалда келтирилган маълумотларнинг күрсатишича, прогноз қилинадиган ўз айланма маблағларининг манёврчанлик коэффициенти меъёрий талабдан ортиқ қийматга эга. Прогнозга кўра, 2022 йилнинг охирига келиб ушбу күрсаткичлар сезиларсиз пасайди. Хусусан, прогноз қилинадиган манёврчанлик коэффициенти 2019 йил 0,67 қийматга эга, 2022 йилга келиб эса унинг 0,64 гача пасайиши кутилмоқда.

Қарз ва ўз маблағлари нисбати коэффициентининг прогнозига кўра, 2019 йилдан бошлаб ушбу күрсаткичининг кескин пасайиш тенденцияси кузатилган ҳолда меъёрий талаб (max 1,0) бажарилади.

Хуоса ва таклифлар

1. Корхона қийматини самарали бошқариш учун унинг қийматини шакллантирадиган кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш ва таҳдил қилиш лозим;

2. Корхона қийматини оширишда молиявий барқарорлик муҳим ўрин тутади. Шу сабабли корхона молиявий борқарорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар, хусусан, ликвидилик, тўлов қобилияти ва рентабеллик билан боғлиқ кўрсаткичларни таҳдил қилиш ҳамда меъёрий талабларига кўра уларнинг бажарилиши бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш корхона қийматини оширишнинг энг асосий омилларидан бириди.

«Электрқишлоққурилиш» АЖнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун қўйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Таҳдил қилинган даврда (2013–2018 йиллар) корхона мутлақ ликвидилик коэффициенти турли қийматларга эга бўлган бўлса-да, меъёр даражасидан паст бўлган. Корхонада

мутлақ ликвидилик коэффициенти бўйича меъёрий талабнинг бажарилиши учун қисқа муддатли молиявий инвестицияларни жалб этиш ва пул маблағларининг жорий пассивларга нисбатан салмогини ошириш лозим;

2. Дебиторлик қарзларининг ўсиш суръати кредиторлик қарзлари ўсиш суръатидан ошиб кетишига йўл қўймаслик зарур. Бунинг учун корхона маблағларини хўжалик айланмасидан чиқариш ва дебиторлик қарздорликни ундириш чораларини кўриш керак;

3. Корхонанинг жорий ликвидилик коэффициенти фақат 2014 йилда оптималь меъёр даражага яқин бўлган. Таҳдил қилинган даврнинг бошқа йилларида оптималь қийматдан катта бўлганлиги ушбу йилларда корхона капитал таркибининг норационал эканлигини кўрсатади.

Жорий ликвидилик коэффициентнинг оптималь меъёр даражасини таъминлаш учун қарз капитали ва хусусий капитал ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш ҳамда доимий мониторинг қилиб тuriш мақсадга мувофиқ.

Манба ва адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонига илова // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 6 (766). – 33-б.
2. Маршалл А. Принципы экономической науки. – Т. 1. и 2. - М.: Издание РОО, 1996.
3. Modigliani F., Miller M. The Cost of Capital Corporation Finance and the Theory of Investment // Journal of Business. – 1958. – Vol. 34. – P. 411-433.
4. Druker P.F. The information executive truly need. – Garvard business review. – 1995. – Jan.- Feb. – p.54-62.
5. Когденко В.Г. Управление стоимостью компании. Ценностно-ориентированный менеджмент: учебник / В.Г. Когденко, М.В. Мельник. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2014 . – 447 с.
6. Жеребцова Н.А. Управление ростом стоимости предприятия на основе разработки и реализации ассортиментной политики. Автореф. дис. на соискание научн. степени канд. экон. наук. – Самара, 2006. – С. 3.
7. Rajesh Kumar. Perspectives on value and valuation. Valuation: Theories and Concepts. Elsevier. Book, 2016. – p.4. (www.sciencedirect.com/book/9780128023037/valuation#book-info).
8. Stefano Caselli, Giulia Negri. Company Valuation in Private and Venture Capital. Book: Private Equity and Venture Capital in Europe. 2nd Edition, 2018. Markets, Techniques, and Deals. Chapter 17. Elsevier. – p. 245. (www.sciencedirect.com/science/article/pii/B9780128122549000176).
9. Исманов И.Н., Салимов Г.Қ. Саноат корхоналари қийматини баҳолашни тақомиллаштириши масалалари // «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» иммий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2017 йил.
10. Беркинов Б.Б. Корпоративные структуры (основы создания и управления). – Т.: Изд. Нац. библиотеки Узбекистана им. А. Навои, 2005, – С.132., Ходиев Б., Беркинов Б., Кравченко А. Оценка бизнеса. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2007.
11. «Электрқишлоққурилиш» АЖнинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари.

Тақризчи:

Бурханов А.У., и.ф.д., профессор, «Молия ва солиқлар» кафедраси,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети.